

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

1997 йил 7 ОКТЯБРЬ. СЕШАНБА №79 (5.850). Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилди:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич рубога чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 29 август.



Боев туманидаги «Галлакор» ёпиқ турдаги ҳиссалорлик жамиятининг Меҳри опа Алланазарова бошлиқ бригадаси заршунослари биринчи теримдаёқ гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариб, режани ўрилатишди.

Хўжаликда мавсум кун сайин қизғин тус олмақда. Ҳиссалорлик жамияти деҳқонлари 1146 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камиди 40 центнердан ҳосил олишни ният қилишган.

Суратларда: 1. Серғайрат механизаторлар Ибодулла Норматов, Очил Алламуродов, Абдумурод Худойбердиев, Фулом Бегматов ва Очил Қорабоев. 2. Зангори кемалар пахта теримида. Б. ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).

## ВАЖ-КАРСОНГА ЎРИН ЙЎҚ

Бултур Қуйи Чирчиқ туманида давлатта пахта топириш режаси 90 фоизда қолди. Қатор хўжалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислари бозор шароитида ишлашга тайёр эмасликларини равшан бўлди. Одамлар адолатли тарзда эътироф этишлари, янги ҳоким Камбарали Омоновга оғир мерос қолди. Яъни, қатор хўжалиқлар қарзга ботган, муаммолар болаётган. Уларни жойида ҳал этиш, хўжалиқлар қаддини тиклаш, энг муҳими, деҳқонларга ишонч, ишתיқ уйғотиш учун қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келди. Туман ҳокимлиги инсон омилига эътиборни қучайтирди. Дастлаб қарз олиб бўлса-да таъминотни яхшилаш, кишлоқ инфратизимини ривожлантириш масалаларига эътибор қучайтирилди. Бахтга қарши жорий йилда табиат нотантилик қилди. Деҳқон қарши яшнатиб бир текис ушиб чиққан гуза ниҳолларини қучи сел, жапа ерпарчин қилди. Пировард майдонда 5,800 гектар майдонга чигит қайта экилди. Бу тадбир 18 майгача қучилди.

Ушунда бугун диққат эътибор гуза шарваришга қаратилди. Таҷрибакор-қориди таъминланганлик, бу ерда ҳам ялпи сафарбарлик таъминланмаган. Ишла муносабат турлича. Булимнинг Аскар Каримов бригадаси теримчилари Жума Эшматов, Турсун Эшматов, Шафбат Каримова, Муассар Хўжақаллиева ва бошқалар қунига 19-33 килодан пахта теришганини қандай баҳолаш мумкин?

Омилкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик қуратиётган жамоаларда йил теримда юксак суръат ва сифат таъминланган. Бунга Александр Ким бошчилик қилган «Тошбул» жамоа хўжалиғи мисол бўла олади. Бу ерда ички имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Меҳнатни тапқил этиш ва рағбатлантиришнинг синалан усуллари кенг қўлланилган. Терим машиналари юксак унум билан ишлатилмоқда. Шу боис хўжалиқ қунига йиллик режанинг 6 фоизи миқдорда топириш қилган. Тошбулликлар бултур Тошкент вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасини эгалашган эди. Жорий йилда ҳам натижа чакки бўлмади.

Бу шунинг қуратади-ки, Қуйи Чирчиқда ҳам пахтачиликка юқори қураткичларга эришилди, мул, эртаги, арзон ва сифатли маҳсулот этиштириш учун барча имконият мавжуд. Гап фақат фойдаланиш, омилкорлик, ташаббускорлик қуратиб ишлашга қолган.

Муҳтарам Президентимиз Хўраам ва Қашқалар вилоятларида сафарий чоғида: «Талаб аса битта: ...Биз йилнинг теримини октябрь ойида ҳайдаш...» дея таъкидладилар. Бу барча учун қаттиқ қондала айланиши лозим!

Оқ олтин мавсумининг энг маъсултиги, ҳал қилувчи давлари утиб бормоқда. Карвондан орта қолаётган қуйи чирчиқликлар баҳоналарга бурхам бериб, йил теримда юксак суръат ва сифатли таъминланганлик лозим. Ақ ҳолда бултурликлар ер чигит қилишлари тайин.

**Мирғиёс ҚАЮМОВ.**

## ОҚ ОЛТИН МАВСУМИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Мавсум айни долзарб паллага кирди. Республикаси оқ олтин хирмони учинчи даражада қатлайти. Шовот, Дустлик, Асқа, Марҳамат туманлари йиллик пахта тайёрлаш режасини органи билан адо этишди. Бошқа илгор туманлар ҳам зафар сари тобора яқинлашмоқдалар. Худо хоҳласа, уч-тўрт кундан сўнг хоразмликлар юртимизда нишонланаётган голиблик шодисенасини вилоятлар миқдосига олиб чиқадилар. Тўй тўйга улаверадилар.

Қузнинг очик келган ҳар кундан унумли фойдаланаётган Андижон, Фаргона, Сурхондарё, Қашқалар вилоятлари заршунослари ҳам мавсумда пепкадамлар сафида боришарди. Шунингдек самарқандлик, наманганлик ҳамда навоийлик миришкорлар қунига 2,44 — 2,62 фоиз миқдорда пахта тайёрлаб, терим суръатини туширишарди. Ҳосилимиз бараксини берсин, утган йилнинг шу даврига таққослаганда мавсумнинг бориши дуруст. Республика буйича 9 фоиз атрофида ушиб бор. Жумладан, режага нисбатан пахта тайёрлаш Қорақалпоғистонда 20 фоизга, Сирдарёда 13-14, Хоразмда 30 фоизга қучайган. Фаргона ва Қашқаларда ҳам сезиларли юқорилаш қурнади.

Туманлар қураткичига назар солинса карвонбошилар сафида бораётган Чиноз, Қунғирот, Тахтақулир, Қонлиқул, Элиқалъа, Бешариқ, Қасби, Усмон Юсупов, Пахтачи, Сарисиев, Боев туманларида мавсум яхши тақкил этилгани аёнлашди. Айниқса, 57 минг тонна пахта бераётган қасбилик, салкам 45 минг тонна оқ олтин топиришни зиммаларига олган боевлик азамат деҳқонлар гайрати тошқин. Уларда йиллик режа етмиш фоизга яқинлашган бўлса-да, даладарда ҳали ҳосил мул, мавсум ҳавас қилса арзитулик даражада бормоқда.

Бирини қуриб шукр қил, бирини қуриб фикр, дейишган ота-боболаримиз. Беш кўл баробар бўлмаганлик, таасуфки, йилнинг теримда сусткашликка йул қучётган туманлар ҳам оз эмас. Сафнинг охирини асосан Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари тасаруфидати туманлар «банц» қилган. Шу боис ушбу вилоятлар мавсумда энг кейинги ўришларида қолдишарди.

Октябрь ойининг биринчи ҳафтаси утди. Аммо қатор туманларда йиллик режанинг ҳақто учдан бири бажарилмаган. Буларга Арнасой, Зарбури, Мирзақул, Пахтакор, Мирзаобод, Оқ олтин, Оққўрғон туманларини мисол келтириш мумкин. Давлатта 50 минг тонна пахта сотиш белгиланган Оқ олтин туманида режа ҳали 30 фоизга ҳам етмаганини изоҳлаш мумкин.


Пахтакор туманида ҳам ҳанузгача бир қатор майдонларда қийғос очилган оқ олтинга ҳали бирон марта қул ўрилмаган. 31500 тонналик хирмон ўз-ўзиндан бўлмади ахир. Қузнинг қуни, табиғатга бир нарса деб бўлмади, эртага егин-соқинчи кунлар бошланса катта меҳнат, талай харажат эвазига етиштирилган бойлик далада қолиб кетади-ку! Олтинги йиллардаги сусткашлик, лоқайликлар наҳоти яна таққосланса!

Ҳосилининг асосий қисмини шу ойда саранжомлаб олишга эришишимиз керак, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи таққилик бошкармаси бошлиғи Абдураҳмат ака Муборакмас. — Пахта мавсуми теримига тайёр. Мавсумга ҳозирланган мавжуд 11666 та зангори кеманинг тула қувватда ишлашнинг таъминлиги лозим. Илғи бўлса ярим кечатгача, яъни шунинг тушунгача чироқларни ёқиб ҳосил йиғиштирилсин.

Дарҳақиқат, ҳаводан нам тушмаган ҳар кун, ҳар соат ганимат. Мавсумнинг уюшқоқлик билан утиши учун ҳамма жойда теримчи ва механизаторларга гамхуриликни ошириш зарур. Пахтазорда ишлаётганларга ҳар беш кунда ҳақи тулданса, озиқ-овқатдан узиллишга йул қўймай, етоҳқонлар яхши бўлса ҳеч ким даладан бемайди.

**Таҷриба,  
таҳлил,  
тақлиф**

**ДЕҲҚОНЧИЛИК БЎЛИМИ.**



## МАРҲАМАТЛИКЛАР ЗАҒАРИ

Андижон вилояти Марҳамат тумани миришкорлари пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига салкам 19 минг тонна оқ олтин етказиб берилди.

Гектар бошига ўртача 27,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Туман меҳнатқилари яна 4 минг тонна пахта топириш иштиғида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**К. НИЗОМОВ, ЎзА муҳбири.**

## «ҚОРАСУВ» ТОЛАСИ — ХОРИЖГА

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тўзалаш заводи янги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Дастлабки 500 тонна тола Швейцария ва Нидерландияга жўнатилди. Корхона бу йил хорижий давлатлардан ўн беш минг тонна тола етказиб бериш тўғрисида буюртма олган.

— Толамиз харидорлар бўлиб бораётгани боис унинг сифати жаҳон талаби даражасида эканлигини, — дейди завод директори Ўрозаул Жўраев. — Экспортбоп санат хомашёси олиш учун аввало уруғчиликни ривожлантиришга эътибор қаратилади. Кейинги йилларда деҳқонларга сертола «Наманган-77» нави уруғлиги етказиб берилади. Бу корхонага ҳам, хўжалиқларга ҳам катта наф келтирмоқда. Энг муҳими, маҳсулотимиз жаҳон бозоридан ўрин эгалламоқда.

**Б. ОСТАНОҚУЛОВ,  
ЎзА муҳбири.**

## ХИРМОНГА БАРАКА

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997  
ЙИЛ 6 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ  
(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бўён
Хоразм	1,75	93,08
Андижон	1,75	83,48
Фаргона	1,90	68,47
Қашқалар	2,64	65,68
Сурхондарё	1,41	63,92
Самарқанд	2,55	61,72
Наманган	2,48	61,07
Қорақалпоғистон Республикаси	1,74	57,11
Бухоро	2,05	56,71
Навоий	2,48	49,91
Тошкент	2,63	41,36
Сирдарё	2,02	39,44
Жиззах	2,05	32,38
Республика буйича	2,08	60,55
1996 йилда	1,78	52,10
<b>Шу жумладан ингичка толали пахта (Тонна ҳисобида)</b>		
Сурхондарё	1592	51148
Қашқалар	362	5922
Республика буйича	1954	57070
1996 йилда	1405	30150

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, оммавий газетаси ҳисобланган «Қишлоқ ҳаёти» йилнинг турт йилдан бери миришкор пахтакорлар, галлакорлар, чорвадорлар, боғбонлар, агро-санат мажмуи барча соҳалари ходимларининг яқин ҳамроҳи, мас-

## МУШТАРИЙЛАРИМИЗ САФИГА ҚЎШИЛИНГ

**«О б у н а - 9 8»**

Қадри мунтарийларимиз!

1997 йил 2 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлимида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Обуна бўлиш чакана савдода харид қилишга нисбатан қўлайлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки обуна бўлсангиз, газетамиз хонадонингизга мунтазам етказиб бери-

лади. Бу йил обуна баҳосини белгилашда ҳудди утган йилгидек табақалаштирилган \*усулдан фойдаланилди.

Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун индекс — 145.

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 144.

ПАХТА: кийсанг либос, есанг овқат, сотсанг тилло

ҚУТ-БАРАКАЛИ ХОНАДОНЛАР

Булоқбоши Андижон вилоятининг энг кенжа тумани. Мустақиллигимиз билан тенглош. Туман табиати энг гузал ва сулимлиги билан ажралиб туради. Булоқбошининг таърифу тавсифи маълум ва машҳур. Фуқаролар мустақиллик, истиқлол туғайли дунёга келган масканда яшаётганиларидан фахрланишади. Улар истиқомат қилаётган маконни янада гузал ва чиройли, дилтортар бўлишга интиломқошадлар.

Жаннатмақон Узбекистонимиз Мустақилликка эришгач, халқимиз турмуш тарихида, онгиди, қишлоқлик ҳаёт жаҳдларида катта илҳомли ўзгаришлар юз бермоқда. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қадриятларимиз, урф-одатлар, анъаналар тикланмоқда. Миллий гуруҳимизнинг қайта кўз очилиши мустақиллик интилом эгиткичи бўлиб эсанг либоси. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлганидек Булоқбошида ҳам қишлоқлик, ободонлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш доимо диққат марказида турибди. Туман маркази йил сайин чирой очмоқда. Барча қишлоқларда гузарлар ташкил қилинди. Транспорт йўллари кенгайтирилди. Шу йилнинг узида юздан ортиқ хонадон таъини гуз қишлоқларидан баҳраманд бўла бошладилар. Етмиш фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган. Жорий йилда А. Қайюмов номи жамоа хўжалиги ҳудудида 440 ўринли янги мактаб қойилди.

Т. Раҳимов номи жамоа хўжалиги азаматлари хайри ташаббуслари билан чиқдилар. Улар 220 ўринли мактабни ўз маблағлари ҳисобига хашар йули билан бунёд этдилар. Бу йилга етти ярым миллион сум маблағ сарфланди. Журополнои номи жамоа хўжалигида 60 ўринли янги қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди.

Туманда қишлоқ хўжалиги тармоқлари йил сайин ривож топмоқда. Пиллакорлар юз ўринга 121 тонна қумуш тола етиштирилди. 3096 гектар майдонга буғдойнинг сердохил навлари экилганли. Ҳар гектар майдондан туман бўйича 64 центнердан хирмон кутарилади. Янги ҳосил 18,5 миң тоннага етди. Шундан 10359 тоннага уруғлик сифатида давлатга топширилди. Бугун Булоқбошида барчанинги фикри бободоқлон йил бўйи етиштирган пахтаини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишди. Илгор хўжаликларидан алақачон йиллик режаларини бажариб қўйдилар. Гектаридан қирқ беш, эллик центнерни қўзлаётган бригадалар сони қуйилмоқда.

дан унумли фойдаланаётган, гуздорлар барпо этган хонадонлар ҳусусида суҳбатлашдик. Ҳоким юз марта эшитгандан, бир марта қурган маъқул, деб бизни «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги тақдирли эгдди. «Найман» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Бардос» маҳалласидаги Рузимаммад Маъмуров хонадониди. Онда бошчилиги вилоят электр тармоқлари қорхонасида алоқачи бўлиб ишлайди. Беш фарзанди бор. Томорқаси ўн икки сотих.

— Томорқадан бу йил 300 килограмм буғдой олдик, — дейди Рузимаммад Маъмуров. — Картопка, пиез, сабзи, саримсоқ пиез, шолғом, шолғом, турп, редискадан ҳам тирикчилик учун етарли ҳосил олиди. Узум, анор, олма, шафтоли, бодом, лимон, хурмо, анжир, олхури, ёноқдан ҳам оила эҳтиёжларига етиб орталгани ҳосил олиди. Иккиламчи экин сифатида лавия, қарам ва бақлажон экилади. Катта шотутнинг пилпан мевалари татигулик, 10 қути асалари боқилган. Бир мартининг узида 85 килограмм асал олдик. Бир кило асал 350 сумдан сотилса, бугунги узишга ҳисоблайверинг.

Бу хонадонда йуқ меванингузи йуқ, 56 хил гуллар хонадон чиройига чирой бағишлаб турибди. Ун бепта товук, олгита урдик, иккита ситир, қуй боқилмоқда. Қунига 5-6 та туғили, хум олинади, ўн литрга етказиб сўт соғилади. — Утган мавсумда бир туپ еноғимиздан чиққан ҳосилни сотиб қизимизга тикмақинасини совга қилдик, — дейди хонадон бекаси Санобар Маъмурова. Хонадоннинг ҳусусий обжувози бор. Аҳолининг шодисини ҳам арзиманган фойдаланишга тўзалаб беради. Хусусий савдо дуконида эса қушладик эҳтиёж моллари сотилади.

Қушниси Баҳодир Маъмуров электр станциясида навбатчи монтер бўлиб ишлайди. Унинг саккиз сотих томорқаси бор. Қизик манзара — бир туپ олманнинг туртта йирлик шоҳи бор, ҳар шоҳида турли навдаги олма пишиди. Бир шоҳини размерини, яна бирини семиренга, бошқасини қирмизи, туртинчи шоҳини эса оқ олма нави олмага узим улаганман, — дейди хонадон соҳиб баҳодир Маъмуров. — Бу йил 13 яшиқ олма ҳосили олдик. Бу хонадон томорқасида ҳам озиқ-овқат ва истеъмол учун ишлатиладиган барча савабот экилган. Мевали дарахтининг ҳамма туридан бор.

Қули тулнинг даромади мул. Бу хонадонга қадам қўйиб кашфетлар оламати киргандек ҳис қилдик. Бир томонда ип-йигирув ускунаси, яна бир томонда стапоқ йил аввал олиб келгандини. Бу хонадон гуллар музейига ухшайди. Ҳар бир гул шоҳида алоҳида ёзув иланган. Ёзува гул оиласи, номи, хусусиятлари битилган. Бундан олтинчи беш йил аввал экилган ёноғ ҳали хануз мева бермоқда.

Биз Булоқбошида унлаб хонадонларга кирдик. Томорқадан унумли фойдаланиш, ободонлаштириш бўйича ҳар қанча мақташга арзиғулик ишларни қуриб қўз қувонди. Зеро, андижонлик шоира Ноҳирабетим эганандек:

«Бу тупроқлар қўзим қони бирда бир гулзор бўлса, Бобомдир у, момомлар у, Отамдир бу, онамдир бу!»

Ҳа, она ерни қанчаллик эъзозласак, у бизга шунчалик муруватини аямайди, нозу неъматларидан баҳраманд қилаверарди. Дилмурод КИРГИЗБОВ, «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

Томорқа — даромад манбаи

Томорқа — даромад манбаи. Бу хонадонга қадам қўйиб кашфетлар оламати киргандек ҳис қилдик. Бир томонда ип-йигирув ускунаси, яна бир томонда стапоқ йил аввал олиб келгандини. Бу хонадон гуллар музейига ухшайди. Ҳар бир гул шоҳида алоҳида ёзув иланган. Ёзува гул оиласи, номи, хусусиятлари битилган. Бундан олтинчи беш йил аввал экилган ёноғ ҳали хануз мева бермоқда. Биз Булоқбошида унлаб хонадонларга кирдик. Томорқадан унумли фойдаланиш, ободонлаштириш бўйича ҳар қанча мақташга арзиғулик ишларни қуриб қўз қувонди. Зеро, андижонлик шоира Ноҳирабетим эганандек: «Бу тупроқлар қўзим қони бирда бир гулзор бўлса, Бобомдир у, момомлар у, Отамдир бу, онамдир бу!» Ҳа, она ерни қанчаллик эъзозласак, у бизга шунчалик муруватини аямайди, нозу неъматларидан баҳраманд қилаверарди. Дилмурод КИРГИЗБОВ, «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

МАРДИ МАЙДОН СУВОРИЙЛАР

Халқимизда нақл бор: иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур. Ҳозирги замон деҳқончилигида бирон юмуш йуқки, техникасиз уудаланса. Йил ўн икки ой у бободоқлонга беминнат қўмақдош. Пахта йиғим-терими мавсуми кулларида эса унинг қўшадиған ҳиссаси беқиёс. Вақтида яхши қараб, созлаб қўйилса инсонга зўр маддидор.

Айни кунларда мамлакатимиз пахта далаларида йиғим-терим қизини паллаға кирсан. Табиийки, бунда асосий оғирлик техника лиммасида, оқ олтинни саранжомлашдан тортиб уни қабул пунктларига етказишга зарурноқ хизматда. Айниқса, ишчи кучи оз, экин майдони катта хўжалиқларда машина ёки механизм ярим соат бекор туриб қолса, кўп нарса ўқотилиши мийришқорға аён. Ҳозирлик олдидан пахта қўриғдан жойларда эса қулик сурат тобора кўтарилаверарди. Бобомдир айрим раҳбар ҳамда мутахассислар мавсум арафасида техникани шайлаш борасида йўл қўйган сусткашликлар ҳудудий тақдир қилинган эди. Мийришқорлар дўст ачитиб гапирарди нақлиға амал қилиб ишда бурлини ясадилар. Буғунги ҳаётимиз шулар ҳақида.

— Бари тула қувват билан ишлашяпти, — жавоб берди бош муҳандис. Ҳуло ҳоҳласа, мавсум охиригача ҳеч қайси пилд бермайди. «1-Боевут» деҳқон-фермер хўжалиқлари бирлашмаси юки катта хўжалиқлардан. Пахта ташқари 3137 гектар. Саикма тўққиз миң тонна пахта тошириши режалаштирилган. Катта қарорни тортип осон эмс. Узоқни қўзлаб иш юргитадиган, тадбиркор ҳамда ташқилотчи инсон Т. Умрзоқов раҳбарлик қилаётган бирлашма меҳнат аҳли уч-турт йилдикри, қўзланганидан зиёда ҳосил етиштирмоқда.

ҲАСАН ВА ҲУСАН ИБРАТИ

Кенг пахтазорда жавлон ураётган зангори кемалардан иккитасининг букнери оқ олтинга тулди. Механизаторлар «шўлат от»ларини эгат томон буришти. Қатор қилиб қўйилган тележоллар дурга тула бошладилар. Суворийлар машиналарини синчқлаб қўздан кечирдиларда кабиналарига илдам кўтарилишди. Агрегатлар бир маромда гуриллаб яна олоқ денгизга сузиб кетишди.

Бригадалари таримнинг бориниши назорат қилиб юрган бош ҳосилот Қучкор Усмонов қулидаги бир қисм пахта вазинни узица чамалаган бўлиди, ҳозиргина бу букнерига пахтаини туқиб орғига қайтган ака-укалар томонга мамун қарарди. «Шундай фидоилик бор экан, ҳосил ерга қўлайди» деган фикр халдан кечди.

Дарвоқе Ҳасан ва Ҳусан Болтаевлар «Галлакор» ёпик турлаги ҳиссалорлик жамиятига узок йиллардан бун эз касбини эъзозлаб келдилар. Техникани янча-мунча муҳандисдан янчи тушунишди. «Кун бекор ўтмасин, ип битени» дейилган жонқуярлардан. Раҳбар ва мутахассисларга «фалон эҳтиёт қисмини толиб бер демай» бордини мослаштириб, қуйиб, техникани юргизиб кетаверишади. Шу боис ҳар йили мавсумда пешқадамликни қўздан беришмайди.

Айтмоқчи, эгизак суворийларнинг бири утган йили эз букнеридан 150, иккинчиси 170 тонна оқ олтин туқди. Қўзланган хирмоннинг жадал кўтарилишида жонбозлик қўратилиши билан йилги ҳаракатлари ҳам давл. Қунига 6 — 8 тоннадан пахта теришяпти. Ҳамкасблари орасида пешқадамликни қўлга олишди.

ҲОСИЛОТ ЁН ДАФТАРИДАН. Ёпик турдаги «Галлакор» ҳиссалорлик жамияти пахтакорлари бу йил 1146 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Иялик режа 90 фонздан ошди. Ҳосил яхши етилганидан теримга энди киришилгандек қўринадилар. 3230 тонналик хирмон бунёд этиш режалаштирилди.

Аммо бу чегара эмас. Ният 3500 тоннага етказили. Жамоа зарпунослари зафар маррасига бугун-эрта етишди. Ишинг баракасини зангори кемалар таъминлашга. Икки ҳафтадирки, 16 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилипти.

— Қаре икки қўздан, дейдилар, — фикрини баён этади Қучкор ака. — Қўл теримига ҳам эътиборни қўйиштирганмиз. Қунига миңдан зиёд одам теримга чиқаяпти. Сергайрат теримчилар Холлисон Ҳожиматова, Норой Усмонов ва Ҳалима Солипова, Зулфия Дадабоева, Улмасой Усмоновлар қулик қўраткичини 160-180 килограммдан туширишмаяпти. Меҳнатларга яраша қўл беш кунда ҳақларини олишяпти. Хўжалик фахри Раймқул Ашуралиев бошқик бригада далаларида ҳосилдорлик 40 центнердан тушяпти. Бошқалар ҳам ундан қолишмасликка интилишяпти.

Катта Карвон. Мавсумнинг яна бир куни утди. Турабек ака ширкатлар раислари берган аҳборотни яна бир марта қўздан кечириб чиқди. Суғ ҳазинабонга қўнғироқ қилиб ҳамма теримчи охири беш кўнлик ҳақини олди-юқми қизикди. Кўнлини хотиржам қилалдиган жавоб олган, уридан турди.

Бу пайтда туш отган эди. Тури марказий таъмирлаш устaxonасига борди. Барча цехларда чироқ ёпик, ип қизгин. Раҳбарни қуриб бош муҳандис Шарифжон Султонов пешвоз келди. Қилинаётган ишлар ҳусусида маълумот берди. Келтирилган қўшмача эҳтиёт қисмларни қўратди. Далага чиқаришга яна бир-икки телжеска тахт эканини маълум қилди.

— Яхши, — деди Т. Умрзоқов. — Терим агрегатларидан биронтаси тухтаб қолмайдими? Ҳозир ҳар дақиқа олтинга тенг...

Бобомдир зарпунослар доим вилоятда пешқадамлар сафида бўлиб келишган. Деҳқончиликка энг қийин келган ишларда ҳам режани ўндирдишган. Бу йил ҳам шундай бўлишга астойдил иштирокчи. Мақсадлари аъванани давом эттириб, галаба манзилга боришларга қаторида етиб бориш. Ешу қариниғ бутун фикри-зири шунда. Дили ниятда, қўли меҳнатда. Насиб этса, ниятларига алабтга етадилар. Зеро, пахтаимиз-риққимиз, бойлигимиз, иқтисодиётимиз таянчидир.

Равадан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

БИРИНЧИЛАР САФИДА

Пахтачиликда катта таъриба орттирган таъриқли мийришқор Усмонови Ҳусанов «Риштон» жамоа хўжалигида 30 йилдан бун бригадала бошқик қилди. Шу йиллар мобайнида унинг жамоаси режани уудалай олманган йил бўлган эмас. Ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб маррани биринчилар қаторида забт этади.

Бу йил бригада зарпунослари ўн иккунда қабул пунктга салкам 110 тонна оқ олтин топшириб Риштон туманида биринчи бўлиб топшириқин дўндиришди. Ҳар гектар ердан қариб 35 центнердан дур саранжомланди. Эришилган галабага моҳир механизатор Мамадали Ҳамроев, уста деҳқонлар Келдибой Юсупов, Гуломжон Йиғиталиевлар ҳам салмоқли улш қўйдилар. Шунингдек, қунига хирмонга 230—240 килограммдан зар тўққан Махбуба Бобожнова, Жумагул Баракаева, Лола Холматоваларнинг номларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Утган йилга нисбатан қирқ кун илгари режани бажардик, — дейди бригада сардори. — Бунинг асосий сабаби, деҳқончиликка янги усулнинг жорий этилишидир. Тасарруфимиздаги майдоннинг катта қисмига чигитини плёнка остига экидик. Парварии ишлари юқори агро-техника қондалари асосида олиб борилади. Натияжада ҳосил бир ой эрта етилиди. Далаларимизда ҳали ҳосил мул. Ниятимиз, ҳар гектар пахтазордан яна 15 центнердан қимматбахо хом ашё йиғиштириб олиш. Шу боис йиғим-терим жадал давом этмоқда.

М. РАХИМОВ.

«ХАЛҚОБОД» — ОБОД ХЎЖАЛИК

Далалари Амударё соҳилига туташиб кетган Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида йиғим-терим авж паллада. Пахта тайерлаш буюртимасини етмиш фонздан ошдириб қўйган халқободликлар ҳозирнинг узидак Т-31 навли ипак пахтадан 30 центнердан хирмон кутарди. Гуза барги сифатли тўқтирилган далаларга машиналар олиб чиқилди. Демак, терим сурати яна ҳам ортиб, ҳалемай режа уудланади.

— Бу йил пахта ҳар қачонгидан мул бўлди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Бахтиёр Қурбонов. — Уни қисқа муддатда йиғиб-териб олиш учун пахтакорлар моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериляпти. Терилан пахтанинг ҳар бир килограммига 4,5 сумдан пул туланипти. Уруғлик пахта тайерлаш шартномасини алақачонқоқ бажариб қўйдик. 750 тонна урига 850 тонна сара маҳсулот топширилди. Ипак пахтаининг харид нархи оширилганини туғайли ҳар тонна хоманега утган йилдаги нисбатан 12—13 миң сум қуп пул олапмиз. Умуман, пахтачиликнинг узидан бу йил 100 миллион сум даромад қилиш ниятимиз бор. Бу эса аҳоли фаровонлиги, қишлоқларимиз ободлиги демакдир.

Дарҳақиқат, хўжалик табиий газ ва тоза ичимлик сув билан тула таъминланган. Учта замонавий болалар боғчиси, учта мактаб ишлаб турибди. Маданий-маиший хизмат қорхоналари, деҳқон бозори аҳоли хизматига. Бу ерда ялаётган узбек, туркман, тожик ва бошқа миллатга мансуб аҳоли янада фаровон япаш учун қизгин меҳнат қилмоқда.

Ҳори ТЎХТАЕВ, УзА мухбири.



Норин туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 687 гектар майдонда пахта етиштиришди. Ҳозир у ерда йиғим-терим авжида. Бунда таъриба зарпуноқ Файзахон Шодмонова бошқик бригада мийришқорлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар 66 гектар ерининг 20 гектарига тузани андижонликлар усулида парвариландилар.

Ниятлари шу жойдан гектаридан 45 центнердан, озиқ ердаги пахтазордан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш. Суратда: бригада етакчиси Ф. Шодмонова (ўртада) чевар теримчилар билан. Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (УзА).

Яшил тунини ташлаган бепоён далалар опшоқ либосга бурканган. Сон-саноксиз зумрад чаноклар нигоҳингизни узица тортади. Не машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай саранжомлаб олиш иштиқеи ешу қарини пахтазорга чорлаган.

Оммавий сафарбарликнинг олдинги сафида бўлиш мақсадида укув юртимиз жамоаси ҳам пахтазорга отланишди. 155 нафар гайрати баланд енлар, 24 нафар ипчи-хизматчи деҳқонлар билан енма-ен туриб, жавоҳир йиғиштиришмоқда. Мавсум давомидида кам деганда 400 тонналлик хирмон яратишга деб боғланган жамоамизнинг кунлик курсаткичи чакки эмас. Уртача 8,5-9 тонна паркумомиқ терилиб, умумхирмонга қўшляпти.

«Туркистон» деҳқон хўжалиқлари уюнимиси далаларида ишлаётган талабалар уртасида кимзуар баҳси авж олган. Аксарият йиғит-қизлар 100 килограммга етказиб оқ олтин йиғиштирмоқда. Абрахамат Боймирзаев, Холмат Султонов раҳбарлигида гу-

руҳ шербилаклари меҳнат рақобатида пешқадам. Норхон Шербоева, Райхон Азизова, Наргиза Журасева, Дилмурод Эсопов, Ҳасан Дамшинов, Гулдара Саидалиева сингари енларимиз кўп пахта териб, тенгқуруларига ибрат бўлишаётганини эътироф этиш жоиз.

ИЛГОРЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАМА

Инсон манфаатлари йи-
лида Фаргона вилоят каса-
ба уюшмалари агросаноат
тармоқ кўмитасида деҳқон-
чилик соҳасида меҳнат қи-
лаётган касабани уюшмаси
азозларини ижтимоий хи-
мом қилиш, уларга ҳар то-
монлама моддий ёрдам кур-
сатиш бугун чоралар билан
кучайтирилди. Илгор пиллакор,
галлакор, қорвалдорларнинг
оромгоҳларда мириқиб дам олиши,
саҳатларга чиқиши ташкил
қилинди. Бу йил «Арсиф» дам
олиш оромгоҳи асосан қишлоқ
хўжалик захматқашлари билан
тажаму ва файли бўлди. Август ойи-
нинг иккинчи ва учинчи ун
кунлигида бирин-кетин 200
нафар илгор пиллакорлар,
190 нафар галла урим-йиғими-
да фаол қатнашган ком-
байнчилар мароқли хордиқ
чиқариб, қайтиди.

Дам олиш масканида деҳ-
қонларга 20 кун давомида
вилоят ҳокимлиги тасдиқ-
ланган дастур бўйича санъат-
корларнинг чиқишлари, бе-
пул кино кўрсатиш, савло ва
манший хизматлар ташкил
қилинди. Энг муҳими, дам
олишчилар тиббий куриқдан
утқазиди. Спортнинг вал-
лейбол, баскетбол, теннис,
шахмат-шашка мусобақала-
рида қатнашиб, голиб чиқ-
қанларга ҳамда «Алла» қушиқ
таплови пешқадамларига ка-
саба уюшмалари агросаноат
тармоқ кўмитасининг 500 сум-
дан пул мукофоти ва ериқ-
лари тоширилди.
— «Арсиф» даги «Дилқуш»
оромгоҳида мириқиб дам ол-
ганимиз кучимизга куч,
гайратимизга-гайрат қўшди, —
дейишди ризиқдор илгор
механизатор Зухриддин Қо-
билов ва Олтириқ тумани-
дан комбайнчи Мамадали Аҳ-
медов миннатдорчилик изҳор
этиб.

Пиллақору галлакорларга
самарали хизмати билан ман-
зур бўлган дам олиш маска-
ни ошпази Сайидмуса Хол-
мираев, бадий раҳбар Ру-
қияхон Искандарова, спорт
йуриқчиси Улугбек Кенжаев,

лар. Бу йил лагерларда 20 ми-
нган ортиқ болалар дам
олишти. Қишлоқ меҳнатқаш-
лари болаларига 1996 йилга
нисбатан 80гача кўп йўлла-
ма берилди. Моддий жи-
ҳатдан қийналган 139 нафар

га мул пахта ҳосили етишти-
рилди. Айни чоғда пахта қий-
гос очилган, уни нест-нобул-
сиз йиғиб-териб олиш ҳамма-
зининг бурчимиздир, —
дейди касабани уюшмалари ви-
лоят тармоқ кўмитасининг
раиси С.Аҳмадулов. — Биз
Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамасининг «1997
йилда пахта йиғим-терими
масумини ташкилий равиш-
да ўтказиш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги қарорини ҳам-
ма хўжалиқлар касабани уюш-
малари ташкилотларида иш-
латиб чиқдик. Теримчиларнинг
иш ҳақларини янги баҳолар-
да ўз вақтида берилишини
таъминлаш, далада ишлаёт-
ганларга қўлай шароит яра-
тиш, иссиқ овқатлар ташкил
этишга қарор қилинди, ви-
лоят касабани уюшмалари аг-

росаноат тармоқ кўмитаси
илгор теримчиларни рағбат-
латириш мақсадига ҳар
бир туманга 2 тадан 28 та
санаторий ва курортларга
йўлланма билан беради-
ган бўлди. Шунингдек, ви-
лоятда биринчи бўлиб пахта
тайерлаш йиллик режа-
сини бажарган хўжаликка 6
та йўлланма, иккинчи бўли-
б бажарган хўжаликка 4
та йўлланма, учинчи ўрин-
да маррага етганга 3 та йўл-
ланма билан беришга қарор
қилинди. Йўлланма-
лар учун 200 минг сум маб-
лағ ажратилди. Бу эса ўз
навбатида пахта йиғим-те-
рими суруятини кучайти-
риб, илгорлар сонини кел-
гайитирмоқда. Ҳа, дам олиш
ва даволаниш масканларини
бепул йўлланмалари пахта
терими илгорларини кут-
моқда.
Раҳимжон МЕЛИБОВ.
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.

Касаба уюшмаси ҳаракатда

ҳамшира Барно Ҳамдамова-
лар вилоят касабани уюшма-
лари агросаноат тармоқ кўми-
таси томонидан рағбатланти-
рилди.

болаларга хатна тўйлари ки-
либ берилди. Далада меҳнат
қилаётган хомилалар аёллар-
ни 7 ойда эмас, 5 ойда таъти-
га чиқариш муаммоси ҳал қи-
линди. Бошланғич касабани
уюшмалари кўмиталари пен-
сия ешга 1—2 йил етмаган
аёлларни келажатимиз бунёд-
корлари болаларига эътибор-
ни кучайтириб, уларнинг
таътил кунларини мазмули
ва мароқли ўтказишлариға ҳар
томонлама қўмақлашти-

ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИ
САҲИФАЛАРИДА

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ». «Элком Осие — Элком офис-
97» халқаро кўргазмаси мана тўрт йилдирки, Марказий Осиё
мамлакатларида кенг фаолият кўрсатиб келмоқда. — леб
езади Миржалол Мирвалиев. — Тошкентда илк бор бу
нуфузли кўргазма утган йили муваффақият билан ўтанди.
Ушанда маъзур кўргазмага 12 миндан зиёд томошбин
ташриф буюрган эди. Бу йилги халқаро кўргазма ўз қўлими
ва экспозицияларга бойлиги билан энергетика, электрофи-
кация, алоқа ва компьютер техникаси соҳасида пойтахтимизда
ўтказилган энг катта кўргазмалардан бири ҳисобланиб, унда
ушдан зиёд мамлакатнинг 52 дан ортиқ машҳур фирма ва
компаниялари иштирок этиши билан ҳам аҳамиятлидир.
Буёқ Британия, Германия, Латвия, Россия, АҚШ, Тур-
кия, Франция, Швейцария, Япония каби энергетика ва
электроника соҳаларида анча илгарилар кетган мамлакатлар
қатори Ўзбекистон ҳам ўз кўргазмалари билан иштирок
этмоқда. Кўргазмада хорижий фирмалар, телекоммуника-
ция, электроника соҳасида ихтисослашган компанияларнинг
иштирок этиши ўзбек мутахассисларига замонавий техноло-
гия ва ускуналар билан яқиндан танишиш имконини бериб-
гина қолмай, чет эллик ҳамкасблари билан амалий ҳамкор-
лик урнатиларига ҳам мустаҳкам замин яратди.

САВОБГА ШЕРИК

«БУХОРО ХА-
К И К А Т И ».
— Шаҳримизнинг
қўтлуғ тўйини му-
носиб қилиб олиш
учун бошланган
ободончилик иш-
ларида вилоятимиз
туманларининг қў-
ли тул бўлди.
— Маъжумдаги
100 квадрат метр
майдон табиий тош-
лар билан қоплан-
ди. 1200 квадрат
метрли ҳовли юза-
си тошлар билан
қайта тикланди.
Шунингдек, қўка-
ламзорлаштириш
ишларининг ҳам
амалга оширилган-
лиги тарихий оби-
даннинг чиройини
янада оқди. Бухоро
тумани бунёдкорла-
ри Лаби Ҳовуз мак-
мули Нодир Де-
вонбеги ва Қўкал-
дош мадрасасига,
пешкулик курувчи-
лар Магоки Агтори
ансамбли, шифир-
қондиқлар эса
Сайфилдин Боҳар-
зий ва Буян Қўлиқон
мақбараларини обод-
лаштириб, хайри-
линига қўл ури-
лар.

ТАЛАБЧАНЛИК СУСТ БЎЛГАН

«АМУ ТОНГИ»
«Қорақалпоқхал-
қасаноатсоти» бир-
лашмасининг энг
асосий вазифалари-
дан бири — юқори
сифатли тола чиқа-
риш. — Кейинги йил-
лар мобайнида биз-
нинг пахта корхо-
наларимиз давлат-
нинг хорижий пахта
чиқариш бўйича
бўлган бюртмала-
рини орғини билан
бажариб келмоқда.
— дейди ҳиссасдор-
лик бирлашмаси си-
фат бўлими бошли-
ги Бахтиёр Қўша-
кеев. — Ҳамма пахта
корхоналарида
чиқарилаётган пахта
толасининг сифатини
ахшилаш
учун асосий талбир-
лар ишлаб чиқил-
ган.
Пахта тозалаш
заводлари раҳбар-
лари қанчалик ўз
ишларига масъу-
лият билан қарас-
лар, лаборатория
ускуналарини ўз
вақтида таъмирла-
салар, келажакда
маҳсулотларнинг
янада яхши ва си-
фатли ишлаб чиқа-
рилишига замин хо-
зирилган бўлур
эди.
Шуни ҳам эъти-
б ўтишимиз керакки,
маҳсулотларимизга
нисбатан харидор-
ларимиз, яъни чет
эл фирмаларида
келатган эътироз-
номалар ҳам йўқ
эмас. Бундай эъти-

АСОСИЙ ФАҲЛАР ИНГЛИЗ ТИЛИДА

«ФАРГОНА ҲАҚИҚАТИ». Мана тўрт йилдирки, Му-
қимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти
қошида урта таълим лицейи фаолият кўрсатмоқда.
Айни кунларда бу ерда 140 нафар 10-11-синф ўқувчи-
лари туманитар фаһлар, физика-математика, инглиз тили
йўналишлари бўйича чуқур билим олмақдалар. Утган
ўқув йиллари яқунларига кура лицейни битирган ўқув-
чиларнинг аксарияти олий ўқув юрталарига тест синов-
лари асосида қабул қилиндилар.
Ўқувчиларнинг ҳар
томонлама чуқур билим олишлариға барча шарт-ша-
роитлар яратилган ушбу лицейда янги ўқув йилидан
таълимнинг яна бир янги усули йўлга қўйилди. Энди-
ликда алоҳида бир синфдаги иқтидорли ўқувчиларга
киме, физика, математика, биология, тарих каби асо-
сий фаһлар инглиз тилида ўқитилмоқда.
Ўзбекистонимиз
жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли, муносиб
азосига айланиб бораётган айни бир пайтда ешларимиз-
нинг дунё тилларидан бирини ҳар томонлама чуқур
урғанишлари диққатга сазовордир.

МОҲИР ЧИЛАНГАРЛАР

«ЖИЗЗАХ ҲА-
К И К А Т И ». Жиз-
зах техникаларини
таъмирлаш очик
турдаги ҳиссасдор-
лик корхонаси асо-
сан қишлоқ хўжа-
лик техникаларини
таъмирлайди ҳам-
да янги турдаги
сезилкларини ишлаб
чиқаради. Чунончи,
шу йилнинг ўзига ў-
за ораларига галла
ва плёнка остига
чығит экадаган
сеялка ишлаб чи-
қарилиб синовдан
ўтказилди. Шу бил-
ан жамоа илмий-
техник, хизматчи
муҳандислари пах-

«НЕКСИЯ» ТАДБИРКОРЛАРГА МАНЗУР

«АНДИЖОННОМА». — Челябинский тадбиркор «Рост-
рактор» фирмасининг директори Павел Владимирович Кома-
ров «УДЭУавто» автомобилларига ишқибоз бўлиб, харид
этиш ниётида Андижонга келди. — деб есади С. Аҳмадиев.
— «Автохизмат» ҳиссасдорлик жамиятида бундай автомобил-
ларни валютага сотишни йўлга қўйилганини меҳмон учун
айни мудоғга бўлди. Тадбиркор «Нексия»ни таплади. Бундай
автомобилнинг элгинчи бўлиб харид этаётган мижозини «Авто-
теххизмат» ҳиссасдорлик жамияти тўлим билан мукофотлади.
— Юртингилати «УДЭУавто» автомобилларини Россияда
оборус банд, — дейди Павел Владимирович. — Шаҳримиз
кучларига автомобиллар ҳаракати титиз. Шу боис кўп ку-
лайликларга эга «Нексия» автомобилларини сотиб олдим.
Харид ҳужжатларини расмийлаштириш тез бажарилганидан
хурсандим. «Тикон»нинг иҳчам, кам энгичи сарфлашини,
«Дамас» оилабон эканлигини айтишни истардим.
Автомобиль баҳона Андижонга келиб ўзбекистонликларнинг,
халқинининг меҳмондустелигига қойиб қолдим. Ўзбеки-
стонда меҳрим тушиди, қўшлаб дустлар орғиттирдим.
Ҳа, россиялик тадбиркорнинг айтганлари мамлакатимизда
тайерланган замонавий автомобиллари дунё бозорига ўз
урини топаётганининг ифодасидир.

ҒОЛИБ ҒАЛЛАКОРЛАРНИ
ҚУТЛАЙМИЗ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги раҳбарлари, етакчи мутахассислари
ва агросаноат мажмуи касабани уюшмаси марказий кўми-
таси масъул ходимларидан иборат комиссия галла мав-
суми меҳнат мусобақасининг биринчи босқичини яқун-
лашти. Ғаллачиликда энг яхши кўрсаткичларға эришган
меҳнат жамоалари аниқланди. Мазкур қарорни вазир-
лик ҳайъати ва касабани уюшмаси марказий кўмитаси
раёсати ўзларининг қўшма қарорлари билан тасдиқлади-
лар.

Биринчи ўрин ва катта пул мукофоти ҳамда еттига
бепул санаторий ва профилакторийларға йўлланма Мар-
ҳамат туманидаги Қорабев номида жамоа хўжалиги
ғаллакорларига насиб этди. Хўжалик деҳқонлари режа-
даги 54,8 центнер ўрнига гектаридан 87 центнердан
ҳосил олишға эришилди. Яъни хирмон 4385 тоннага
етказилди.

Ғалла ўримида қатнашганлар, айниқса комбайнчилар
меҳнати муносиб тақдирланди. Комбайнчиларнинг ҳар
бири 11751 сўмдан иш ҳақи олишти. Бундан ташқари
уларға шартлашилганидек, рағбатлантириш тариқасида
бир тоннадан текинга бўғдой берилди. Урим-йиғим дав-
рида иссиқ овқат, дам олиш учун барча шароит, шу
жумладан маданий хордиқ чиқаришға имконият яратил-
ди. Техника хавфсизлиги масалаларига ҳам ушбу жа-
моада жиддий эътибор берилди. Шикастланган ҳоллари
бўлмади.

Иккинчи ўринға Хонқа туманидаги «Хоразм» жамоа
хўжалиги азаматлари муносиб топилди. Улар ҳосилдор-
ликни 60 центнерға кўтаринди. Режа 26,9 центнердан
эди. Яъни ҳосил режалаштирилганидан икки баравардан
зиёд эди. Ғаллакорнинг ўртача ойлик маоши 7514 сўмин
ташқил этди. Бу ерда ҳам ижтимоий-манший, маданий,
техника хавфсизлиги масалалари талаб даражасида та-
шқил этилди. Ғолибларға пул мукофотлари ва йўлланма-
лар тоширилди.

Учинчи ўрин Шаҳрисабз туманидаги Б.Фозилов номи-
да пайчилар уюшмаси хўжалиги ғаллакорларига берил-
ди. Улар ҳосилдорликни 55 центнерға етказинди (режа
32,4 центнер эди). Ғаллакорларининг ҳар бири 4000
сўмдан олдиндан аванс пули олишган. Яқун бўйича яна
мумайғина ҳақ олишади. Шу билан бирға ҳар бир ишлов-
чиға арзон нарҳда 20 килодан пахта ёғи тарқатилган.
Шаҳрисабзликларға ҳам пул мукофоти ва санаторийға
тўртта йўлланма ажратилди.

Ғолиб деб топилган илгор ғаллакорлар тажрибаси,
унумли меҳнат қилишлариға шароит яратиб беришдаги
ибратли ишлари, ҳақ тўлашди, дам олиш ва бошқа
масалалардаги қўлаётган талбирлари кенг ёйишға лойиқ.
Боситхон АҚБАРОВ,
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси марказий кўмитаси бўлим
бошлиғи, мусобақа якунини чиқариш бўйича
комиссия аъзоси.



Ноз-неъмат
бунёдкорлари



ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИНИНГ
ФИДОЙИСИ

Зиқрулла Турсунхўжаев
1912 йилда Тошкент шаҳ-
рида Жалил характерининг
раҳбарларидан бири, Сайдулло
«Янги туркман» маҳалласи-
да дастлабки ўн онда ҳовли
тўйи ўтказди. Уларни Навоий
қурилиш бошқармаси бу-
вёдкорлари куриб берди. Кор-
хона шу мақсад учун юз мил-
лион сўм ажратган.

Умр
зарварағи

эди. Шу йиллар давомида ўза
агротехникаси, юқори пахта
ҳосили етиштиришнинг ил-
ғимий асослари тўғрисида қан-
тур тавсияномалар ешилди ва
«Пахтазорол» давлат хўжали-
гида кенг жорий қилинди.
«Пахтазорол»да юқори пахта
ҳосили етиштириш, ал-
машпаб экишни кенг жорий
қилишда Зиқрулла аканиннг
ҳам катта ҳиссаси бор. Меҳ-
натлари зое кетмади. У аста-
секин ўз мевасини бера бош-
лади. Илғимий анжуман-
ларда унинг илғимий тадқиқот-

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ЯНГИЛИКЛАРИ

«Қорақалпоқавтоўл»
давлат ҳиссасдорлик бир-
лашмаси тизимида махсус
«Устюрт ўлқурилиш»
бошқармаси тузилди. Ян-
ги ташкилот халқаро ав-
томобиль йўли қурилиши
билан шуғулланади. Ҳо-
зир мазкур йўл трассасининг
Қозоғистон давлат
чекрасигача бўлган 330
километрли қисмида ту-
роқ кўтарин, шағал ётқи-
зиш ишлари тугалланди.
Юз километрга яқин ма-
софаға асфальт тўшилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ТОПСА...

Навоийдаги «Азот»
ишлаб чиқариш бирлаш-
маси жамоаси қишлоқ хў-
жалиги учун зарур бўлган
аммиак селитраси ишлаб
чиқаришни йил сайини
кўпайтирмоқда. Энди-
ликда корхона шундай
маҳсулот чиқаришда иш-
латилган оҳақ ўрниға
шағал тошлардан фойда-
ланилмоқда. Бу эса ма-
ҳсулот таннаркини кескин
камайтириш имконини
бермоқда. Йил бошдан
бўён режалашилган анча кўп
— 260 минг тонна аммиак
селитраси ишлаб чиқа-
рилди. Маҳсулот қисми
давлатларға ҳам чиқари-
лмоқда
(УзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ТОПСА...

Навоийдаги «Азот»
ишлаб чиқариш бирлаш-
маси жамоаси қишлоқ хў-
жалиги учун зарур бўлган
аммиак селитраси ишлаб
чиқаришни йил сайини
кўпайтирмоқда. Энди-
ликда корхона шундай
маҳсулот чиқаришда иш-
латилган оҳақ ўрниға
шағал тошлардан фойда-
ланилмоқда. Бу эса ма-
ҳсулот таннаркини кескин
камайтириш имконини
бермоқда. Йил бошдан
бўён режалашилган анча кўп
— 260 минг тонна аммиак
селитраси ишлаб чиқа-
рилди. Маҳсулот қисми
давлатларға ҳам чиқари-
лмоқда
(УзА).

ХУШҲАБАРЛАР

Навоий кон-металлур-
гия комбинати маъмурияти
қишлоқ аҳолиси турмуш шаро-
итини ахшилашда қўмақ-
лаштишға алоҳида эътибор
қаратмоқда. Қуни кеча Навоий
туманидаги Тўв Сано
номида жамоа хўжалигининг
«Янги туркман» маҳалласи-
да дастлабки ўн онда ҳовли
тўйи ўтказди. Уларни Навоий
қурилиш бошқармаси бу-
вёдкорлари куриб берди. Кор-
хона шу мақсад учун юз мил-
лион сўм ажратган.

ТЎЙГА ТЎЕНА

Бухородаги «Зарфўз» ак-
ционерлик жамиятининг қў-
ли тул чевалари шаҳарининг
25000 йиллик тўйига тааб йи-
ғирмадан ортиқ зарфўзлик
маҳсулотларини тайёрлаб
қўйди. Уларнинг барчасида
юбилей рамзи акс этган.
Бухоро шарифининг
меъморчилик дурдоналари
акс эттирилган маҳсулотлар
ўрни олади. Уларнинг қўш-
чилигини «Зарфўз» акционер-
лик жамияти дўкандарига хар-
ид қилиш ҳам мумкин.
(УзА).


Куз илҳами

ПАХТАКОРЛАРГА

Пахтакор деҳқон қилиб меҳнат, шараф-шон кўзлагай, Тер тўкиб, ҳосилни мўл қилмоққа имкон кўзлагай.

ЯХШИГА ЁНДОШ

Яхшига ёндош, азизим, қоч ёмондан, қоч нари, Ул ёмоннинг тилда захри, дилда бўлғай ханжари.



Булоқбошилик ёғоч уймакорлиги устаси Ахрорбек Назаров хунармадчилик сулоласининг вақилларидан. У ясаган эшик, дарвоза ва деразалар ўзининг нафис нақшкорлиги ва шарқона гўзаллиги билан нафақат Булоқбошида, балки бутун Фарғона vodiysida маълум машҳур. Қўли гул устасини ўғли Санжарбек ва 10 нафардан ортиқ шогирди айни кунда ёғоч уймакорлиги касбини мустақил равишда давом эттирмоқдалар.

Хар бир халқнинг буюклиги унинг кўп-озлиги билан эмас, маънавияти билан белгиланади. Шунини алоҳида шукроналик ила таъкидлаш лозимки, мустақил тараққиёт йўлига кирган халқнинг маънавияти ривож Президентимизнинг доимий диққат-марказида турибди.

Ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, ўзини-ўзи бошқаришга ўтди. Бугун натижалар чакки эмас. Муҳими, укучиларда янги ёндош пайдо бўлди. Бундай ёндошув ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Юртбошимиз айтганларидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, барқамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилим бизнинг миллий ҳусусиятимиздир.

Билимдон ёшлар — Истиқлол таянчи

Сислари илмгоҳга ташриф буюриб, ёшларга қишлоқ ҳужалиги тизимидан сабоқ берилди. Самараси эса чакки эмас. Утган йили мактабни битирган ундан ортиқ укучи турли олий ўқув юртиларига кириб, утти нафарга яқини эса ҳужалик тасарруфида қолди. Улар мактабда урганган

Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини яхшилаш, тиббий хизмат маданиятини юксалтириш, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири. Шу мақсадда жойларда ишланмишлар олиб берилмоқда. Янги-янги тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилмоқда.

аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатади. Бўлимлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шифохона ҳўжаликдаги 4 та қишлоқ аҳолиси хизматида. Шухрат ҚАРШИЕВ. Самарқанд.

ГУРУЧ ЎҒРИСИ

Республика ҳукумати кундалик энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини узлуксиз таъминлаш буйича жула катта ишларни амалга ошираётган бир пайтда айрим кимсалар товламачиликни касб қилиб, мўмай пул орттириш пайида бўлмоқда. Жумладан, Дангара туманида истиқомат қилувчи Ш.Жумабоев ана шундайлардан бўлиб чиқди. У Тожикистон Республикасида қарашли автомашинада 71 минг 596 сумлик бир ярим тоннадан ортиқ гуручни божхона назорати урнатилмаган

Жиноят жазосиз қолмайди

айланма йўлдан олиб чиқиб кетаётганида кулга тушиб, Деновлик И.Усмонов эса 20 минг сумлик шакарни Сирдарё орқали Тожикистонга олиб ўтиб пулламоқчи бўлганида тумани суди илдини. — Бу каби мисолларни давом эттириш мумкин, — дейди Фарғона вилоят божхона бошқармаси бошлиғи И.Ашқаров, — Утган давр мобайнида вилоят ҳудудидан товар-моддий бўйдоқларни гайриқонуний равишда четга олиб чиқиб кетишга уриниш билан боғлиқ 659 ҳолат қайд этилди. Тўққиз миллион сумликка яқин товар-моддий бўйдоқлар мусодала қилинди. Ана шу каби ноҳуя ишларга қул урган кишилар жавобгарликка тортилди. Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

ТИКЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Мустақиллик туғайли мамакашимизда футбол чинакамига истиқбол томон ўз тупди, десак муболага қилмаган бўлаемиз. Айниқса, республикамиз раҳбарияти томонидан спортнинг бу турига қўрсатилаётган эътибор туғайли оммавийлик сари катта қайам ташланди. Шу билан бирса барча муаммолар ечимини топиб дейишга ҳам ҳали эрта.

нуларга асосланган. Лекин, афсуски, қатор футбол клублари ўзларига берилган ҳуқуқлардан оқилона фойдаланишнинг улдасидан чиқишяпти, деб бўлмайдилар. — Бу нималарда кўзга ташланади? — Масалан, футбол клублари ташаббускорлик ва талбиркорлик курсатилари учун ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан жула катта имкониятлар ва шароитлар мавжуд. Бундан оқилона фойдаланиш урнига айрим футбол клублари молиявий-ҳужалик юритиш ишларида чалқашликларга йўл қуйилмоқда. Ҳисобни билмаган ҳаменидан айрилар, деганларидек «Нефчи», «Трактор», «Насаб», «Пахтаобод», «Гулистон», «Тўқимачи», «Орол» футбол клублари маблағ жиҳатдан қийин аҳолига тушиб қолишди.

Баъзи командалар маблағ йўқлиги туғайли низоом жамгармасидаги пуллардан фойдаланишга мажбур бўлишмоқдаки, бу клублар фаолияти тўғрисидаги қонуний ҳужжатларга эдилар. Ҳолбуки, астойил бош қотирилса, талбиркорлик билан иш юритилса, молиявий жиҳатдан аҳвол яхшилашни мумкинлигини «Пахтакор», «Чилонзор», «Дустлик», «Хоразм», «Хива», «Сурхон», «Шурчи», «Зарафшон», «Афросиёб» клублари мисолида яққол курса бўлади. Савол туғилади: боқимандалик қайфиятида юрган футбол клублари келгуси йилдан бошлаб қай тарихи ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга утишлари мумкин?

— Маълумки, молиявий аҳволни яхшилашнинг омилларидан бири ўйингоҳларга ишқибозларни имкони борица кўпроқ жалб қилишдир. Бу борадаги ишларни қандай баҳолайсиз? — Маданият вазири муассасалари, савдо ташкилотларининг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойиқдир. Зеро, бирорта ҳам ўйин йўқки, таниқли хонандалар учрашув бошланмишдан аввал концертлар уюштирмасе. Савдо ташкилотлари ҳам ҳар хил ичимликлар, ширинликлар билан ишқибозлар кунглини овламоқда. Лекин муҳлислар шунчаки хонинг тинглагани еки чанқокни босгани ўйингоҳларга келишмайди-ку. Асосий ром этадиган нарсэ — уиндир. Бахслар мароқли кеңсе, футболчилар ярқ этадиган даражада маҳорат курсатиша билсаларгина ишқибозлар кунглига йўл топишлари аниқ.

Яна бир муҳим талбир-лотореза ўйинларидир. Афуски, фақат «Пахтакор», «Хоразм» ва яна иккита-учта футбол клубларида бу талбир мунтазам йўлга қўйилган. Нега бошқа клублар бунга аҳамиятини қараштаганига тушиниш қийин. — Ўзбек футболининг истиқболи қандай? — Биз тилга олган муаммолар, шубҳасиз, вақти келиб ўз ечимини топади. Чунки астойил ишга киришсак, бизнинг ҳеч кимдан қолиниладиган жойимиз йўқ. Шу жумладан халқаро миқёсда ҳам. Чуночки, олимпия терма жамоамиз Деҳлида утган хотира турнирида иккинчи уринни эгаллади. Усмилар терма командаламиз Чимкентда Марказий Осие биринчилигида шохсупанинг энг юқори погонисига кутарилди ва ҳоказо.

Хуллас, бошланган талбирларимизни сабот ва матонат билан поенига етказишнинг улдасидан чиқсак, ўзбек футболни етакчи мавқелардан бирига кутариллиши турган гап. Лекин бунинг учун ҳали кўп тер туқишимиз керак. Суҳбатдош: Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЎЗИГА ТЎҚ, МАКТАБЛАР

экинлари етиштиришни йўлга қуйди. Қисқа фурсатда илмгоҳнинг моддий имконияти ортиб, қўшимча синфхоналар қуриб, замонавий техника, асбоб-ускуналар сотиб олди. Энг муҳими, ёшларга илм ўратиш билан бирига, уларни ҳаётга тайёрлаш, касб-корга, деҳқончилик ва бошқа ишларни мукамал ўзлаштириб олишларига кенг йўл очилди. Илгор укучилар моддий тақдирланиб, аълочи укучиларга стипендиялар ажратилди. Эндилдики мактабнинг истиқболли дастури бор.

ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУМСАНОАТ - ХОЛДИНГ

компанияси «Ўзкартошка» фирмаси республикада кенг районлаштирилаган сервосла ва истиқболли Невский, Ранний белорусский, Огонек, Детскоесельский, Дамант, Кардинал, Фреско, Романо, Санте навал юқори сифатли УРУҒЛИК КАРТОШКА СОҒАДИ

Сизнинг Тошкентга келишингиз шарт эмас, Сиз уруғлик картошкани бизнинг йўлдаги иловатлардаги филиалларимиздан харид қилишингиз мумкин. Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах, Қашқадарь.



Алоқа учун телефонлар: 50-96-09, 50-89-98, Факс: 50-89-97.




Дуёни суратга олмақ истгани Мунчоқ кўзлариндан ёғар жоадади. Шундай очур кўкдам ниҳол куртагига, Бу дунё сенгадир буткул, болакай. З. РАХМАТУЛЛАЕВ олган суратлаваха.

Ҳужалик раҳбарлари, фермерлар диққатига

ЭҶТИЁТ ҚИСМАЛАР КЕРАКМИ? МАРҶАМАТ! «Бахқиниҳўжамаш» қўшма корхониси плўт тишлари — лемехларни ва уллар учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариб, сотишти. Мазкур корхонанидан дон селёқларини ва унинг турли узелларини ҳам сотиб олишингиз мумкин. Бу ускуна ва эҳтиёт қисмларга шартномавий нархларда, олдиндан ҳақ тулаш асосида ҳисоб-китоб қилинади. Тошкентдаги телефон: 54-99-09 телефон/факс: 55-29-44.

«Улаҳтасановотсотиш» уюшмаси жамоаси «Анлижонпахтасановотсотиш» бирдлашмасига қарашли Ҳужабод пахта тозалаш заводи директори О.Ураймовга олсини. Обидабону УРАЙМОВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Пайн ва Пайн-Минтол — Жапубий Корея сигареталари.

Бош муҳаррир Неймат ЁҚУБОВ Тахрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҶАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҶАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат кўмитаси «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32 ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир уринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Руйҳатдан утиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0658, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10